

**«Бухорогуштсутсавдо» акциядорлик жамиятининг 2022 йиллик
бухгалтерия баланси ва молиявий –хужалик фаолияти аудиторлик
текшируви натижалари буйича**

ИЖОБИЙ

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Ушбу аудиторлик хулосаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йилнинг 7 октябрида 351 ракам билан руйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йилнинг 05 апрелдаги 407-аф сонли буйрукга асосан берилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият курсатаётган барча ҳужалик субъектларида аудиторлик текшируви утказиш ҳукукини берувчи 00784 – сонли махсус лицензияга эга бўлган « PROGRESS – AUDIT » маъсулати чекланган жамияти томонидан тайёрланди.

«Бухорогуштсутсавдо» АЖ нинг асосий фаолияти ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан улгуржи ва чакана савдо ҳисобланади, код ОКЭД: 47290.

Аудиторлик текшируви 2021 йилнинг 16-декабрда Ўзбекистон Республикасида “BUXGALTERLAR VA AUDITORLAR IMTIHON MARKAZI” томонидан берилган 05761-сонли аудиторлик - малака сертификатига эга бўлган ушбу аудиторлик корхонаси аудитори С.Алимжанова томонидан утказилди. Ушбу аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикасида шакллланган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2016 йил 9 ноябрдаги 85-сонли Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (70 сон АФМС) «Миллий Ҳисобот тугрисидаги аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси тугрисида»ги буйруғига ҳамда «Халқаро аудит стандартлари» (ХАС) асосида тасдиқланган аудиторлик (андоза) стандарт талабларига мувофиқ ва амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мос келадиган аудиторлик текширувлари утказиш махсус амал ва услубларини куллаш асосида утказилди. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларига эга эмаслигига етарлича ишонч ҳосил қилинишини таъминлашимиз кераклигини такозо этади.

Аудиторлик текшируви қуйидаги ҳисоботлар (форма отчетности) буйича мавжуд аспектларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилигини аниқлаш мақсадида утказилди :

1. Корхонанинг бухгалтерия баланси
2. Молиявий натижалар буйича ҳисобот

Биз «Бухорогуштсутсавдо» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 31 декабр ҳолатидаги бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботининг тугрилиги ҳамда бухгалтерия ҳисоб - китобларини юритиш тартибининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларига мувофиқлигини текширдик ва маълумотларнинг махфийлигини таъминладик. Ушбу ҳисобот ва маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва тугрилиги учун корхона раҳбарлари жавобгардирлар. Аудиторлик ташкилоти аудиторлик текшируви натижаларига қура, қабул қилинган ҳисоб сиесатининг асосланганлигига ва унинг бухгалтерия

хисоби тугрисидаги конун хужжатлари талабларига мувофиқлигига ҳамда аудиторлик фаолияти тугрисидаги конун хужжатларига мувофиқ ижобий фикр билдириш учун етарли ва лозим даражадаги далиллар мавжудлигига ишонч ҳосил қилинишига ижобий баҳо еки фикр беради. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни, молиявий ҳисобот ҳамда молиявий ахборотларнинг конун хужжатларига, шунингдек молиявий ҳужалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланди. Аудиторлик текшируви мавжуд хужжатлар, ҳисоботлар, аналитик кайдномалардаги молиявий курсатгичларини танланма ҳолдаги текширувларини уз ичига олди. Текширув мақсади бухгалтерия ҳисоботини юритишда қулланилган иш услуби ва тақдим этилган молиявий ҳисоботга баҳо беришдан иборат. Биз томонимиздан утказилган ушбу аудиторлик текшируви корхонанинг молиявий - ҳужалик фаолиятига тегишли ҳулоса чиқариш учун етарли даражада асос бўла олади деб ҳисоблаймиз. Корхонада бухгалтерия ҳисоб - китобларини юритиш амалдаги тартибнинг конун хужжатларида белгиланган талабларига мос равишда олиб борилган. 2022 йилнинг якуни бўйича топширилган ҳисобот (баланс) ва молиявий натижалар бўйича солиқ тулагунига қадар олинган фойда миқдори 1678,0 минг сумни ташкил этган, 1457,0 минг сумлик солиқ ҳисобланганидан кейин корхона ихтиерига қоладиган соф фойда миқдори 221,0 минг сумни ташкил этган. Ҳулоса қилиб айтганда, бизнинг фикримизча ҳужалик юритувчи ушбу субъект «Бухорогуштсутсавдо» акциядорлик жамиятининг бухгалтерия ҳисоб-китобларини юритиш талаб даражасига жавоб беради ва 2022 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳолини ҳаққоний акс эттиради ҳамда мазкур ҳужалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий жараёнлар (операция) Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари талабларига жавоб беради.

« PROGRESS - AUDIT » МЧЖ
Директори :



Алимжанова С.С.

28 апрел 2023 йил